

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ**

**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ҚЎМИТАСИ**

**Шаҳноза Акрамова, Шавкат Тўраев**

**Миллий ғоя туркумидаги фанларни  
ўқитиш жараёнида замонавий педагогик  
технологияларни қўллашнинг амалий  
масалалари**

**(Ўқув-услубий қўлланма)**

**“Kamalak” нашриёти  
Тошкент-2016**

**УЎК: 821**

**КБК: 74.200.50**

**A 42**

**Акрамова, Шахноза. Миллий ғоя туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг амалий масалалари [Ўқув-услубий қўлланма] / Ш. Акрамова, Ш. Тўраев. -- Тошкент : Камалак, 2016. - 88 б.**

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишнинг аҳамияти ва зарурати ҳамда улар асосида дарс машғулотида илғор интерфаол методларнинг қўллашнинг амалий масалалари ёритилган.

У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг И-2015-1-5 “Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари” китобини тайёрлаш ва чоп этиш мавзусидаги инновация грант дастури доирасида бажарилган.

Ўқув-услубий қўлланма профессор-ўқитувчиларга дарс жараёнида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

**КБК 74.200.50**

Маъсул муҳаррир:

**М.Қуронов,**

Педагогика фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

**Д.Рўзиева,**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори,  
педагогика фанлари доктори.

**Д.Мирзааҳмедова,**

Олий ҳарбий божхона институти, “Ижтимоий-гуманитар фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси

Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази Илмий кенгашининг  
2016 йил 05.09. №3-сон баённомаси билан нашрга тавсия қилинган.

**ISBN 978-9943-4781-7-6**

© Ш.Акрамова  
© “Камалак”, 2016й

## КИРИШ

*Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.*

*Ислон Каримов<sup>1</sup>*

Ҳозирги замон ёшлари ақлий камолотининг ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, ўқитувчининг ўз устида ишлашга, малакасини ошириб боришига ва онгини янада ривожлантиришига, таълим тизимидаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб бориши кераклигига асосий мотив бўлиб хизмат қилади. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган, бу борадаги ишлар кенг кўламга эришди. Ушбу ҳужжатларнинг талаблари асосида билим ва касб-ҳунар эгаллашга бўлган эътибор кучайиб кетди. Шу туфайли таълим-тарбия тизимига янгича илмий-услубий ёндашувлар кириб кела бошлади. Сўнгги йилларда педагогика фанига, таълим тизимига шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги-янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларнинг

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган нутқи. – Тошкент: Халқ сўзи газетаси, 2009. 6 декабрь.

таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўлланиб борилиши, таълим мазмунини тубдан ўзгартириб юборди десак муболаға бўлмайди.

Замонавий педагог дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. У ўз тингловчиларини фанга ижодкорлик нуқтаи назари билан қарашларини ташкил қилиши, уларда изланувчанлик хусусиятларини шакллантириши ва албатта, янги педагогик технология усулларида фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши керак бўлади. Бунинг учун эса у замонавий педагогик технологияларни яхши билиши керак. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Биз ўғил-қизларимизни ўзларини англашга, мустақил, онгли фикрлашга, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишиги йўл қўймаслигимиз лозим»<sup>2</sup> - деган фикрлари асосида олий таълим муассасаси талабаларининг нутқ бойлиги, уқувлилигини оширишимиз, бадиий ва илмий адабиётларга қизиқишини ривожлантиришимиз, уларнинг огоҳлигини оширишимиз керак. Чуқур билимли ёшларни алдаб ҳам, ёт ғояларга эргаштириб бўлмайди.

Миллий ва хорижий давлатлар етакчи педагогларининг илғор иш намуналарини ўрганиш асосида тайёрланган ушбу ўқув-услубий қўлланма замонавий педагогик технологияларнинг табиатини очиб бериш, профессор-ўқитувчиларга ушбу технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини тарғиб қилишни назарда тутди.

---

<sup>2</sup>Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Ўзбекистон, 1998. - 40б.

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юксак умумий маданиятга ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради. Шундай экан, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир.

Республикамизда таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга доир кенг қўламда иш олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий-назарий асослари, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, етарли даражада тажрибалар тўпланди.

Интерфаол методлар ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутди. Дарс мобайнида маълум назарий билимларни тингловчиларга етказиш, унда айрим фаолият юзасидан кўникма ва малака ҳосил қилиш, маънавий сифатларни шакллантириш, ўқувчи билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш педагогдан юксак маҳорат ва тезкорлик талаб қилади. Бу борада педагог дарсларда фойдаланиши мумкин бўлган айрим педагогик воситалар:

таъкидловчи саволлар бунда тингловчининг берган саволига қараб, унинг фикрлаш даражасини аниқлаш мумкин. Педагог альтернатив, тингловчини фаолликка чорловчи саволлар орқали синфда ижодкорлик, изланувчанлик, қиёслаш, ўхшашлик ва фарқини топиш сингари хусусиятларни ривожлантирувчи муҳитни яратади.

Шунингдек, машғулотнинг самарадорлигини ошириш учун амал қилиниши керак бўлган қуйидаги қоидаларнинг ҳам аҳамияти катта:

- дарс қолдирмаслик ва кеч қолмаслик;
- аниқ мақсад қўйиш ва унга эришиш;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- фикрни бўлмаслик;
- эшита олиш, савол бериш маданиятига риоя қилиш;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- ўзаро ҳурмат;
- маъсулиятли бўлиш;
- фаоллик, ижодкорлик ва бунёдкорлик;
- кайфиятни мўтадил сақлаш;
- ташкилотчи ва ташаббускор бўлиш;
- фикрини қисқа, аниқ ва раво ифода этиш;
- ўзаро ҳурмат, ҳайрихоҳлик, ҳамдардлик, ёрдам кўрсатиш.

Ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда талабаларни ўз-ўзини тарбиялайдиган, ўзи мустақил изланиб, билимларни эгаллайдиган даражага олиб чиқиш асосий вазифа ҳисобланади.

Чунки, бугунги даврда замонавий педагогика илгари сураётган билимларда келажак одамнинг қуйидагича портретини тасвирлайди:

- ўзгарувчан ҳаётий вазиятларга тезда мослаша оладиган;
- унга керакли бўлган билимларни мустақил равишда ўзлаштира оладиган;

- турли хил муаммоларни ҳал қилиш учун билимларини амалиётда моҳирона қўллай оладиган;
- мустақил танқидий фикрлай оладиган;
- ахборот билан саводхонлик билан ишлай оладиган;
- мулоқотга киришувчан, турли хил ижтимоий гуруҳ вакиллари билан муносабатга кириша оладиган;
- турли хил вазиятларда ҳам биргаликда ишлай оладиган бўлиши даркор.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли даражада. Замоनावий педагогик технологияни педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Замоनावий педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради. Аввало, **замоनावий педагогик технология нимани англатади?**

1. Замоनावий педагогик технология ўқув-тарбия жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум бир педагогик тизим мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Мақсади эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

2. Бугунги кунда фан-техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, янги технологиялар кириб келмоқда.

Сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги

техникавий, ахборотли, аудиовизуал, аудиал воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантирди.

Замонавий педагогик технология моҳият-эътибори жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эгадир. Бироқ замонавий педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради.

Унинг ўзига хос хусусияти – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

Замонавий педагогик технология бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Ўқув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий воқелик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий бурилиш ва унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда, таълим тизимида ахборот технологияси – бу «талаба–компьютер» ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб, у таълим жараёнида техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида қўллана бошланди. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, «цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хом-ашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан ортиқ бўлди, яъни ахборот технологиялари барча мавжуд



технологиялар ва хусусан, янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ўз навбатида замонавий таълимнинг мақсадлари ҳам шунга ҳамоҳанг қуйидаги тарзда қўйилмоқда:

- ишлашни билиш;
- яшашни билиш;
- биргаликда яшай билиш;
- ўрганишни билиш;
- соғлом бўлишни билиш;
- фуқаро бўлиш

Билимга 3 та йўл олиб боради:  
**Мушоҳада** юритиш йўли –  
бу энг олийжаноб йўлдир,  
**Тақлид** қилиш йўли – бу энг осон йўл,  
Ва **тажриба** йўли эса – бу энг машаққатли  
йўлдир. Конфуций

Шунингдек, таълим жараёни самарадорлигини таъминлашда энг асосий таъсир кучи бу педагогдир. Демакки, таълимга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда педагогга ҳам ўз ўрнида қуйидаги талаблар қўйилади:

- Асосий роли – таълим жараёнини бошқариш
- Тингловчи ўзлигини намоён қилиши учун шароитлар яратиши
- Жуда кўп педагогик технологияларни қўллаш билиши.

Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим

олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда - таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Ҳозирги таълим жараёнида қўйиладиган талаблар ва тингловчиларда дарсга қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак?

Яхши устоз махсус кўриш қобилиятига эгадир: у ўз шогирдлар қанотлари қандай ўсаётганини кўради.

А.С.Макаренко

Ҳозирги замон таълим-тарбия тизими фақат инсоният аниқлаган билимларни ўзлаштиришигина эмас, балки жамият энди ҳал қилиши ҳамда бунда бугунги тингловчи қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишишни ҳам талаб қилади. Бундай масалалар космосни ўзлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, чўлларни



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4685> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4685> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4685>